

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўл ёзма ҳуқуқида  
УДК: 658.01:338.45.67/68(57.51)

**Ҳайдаров Аҳмаджон Равшанович**

**ЕНГИЛ САНОАТ ТАРМОҒИДА КООПЕРАЦИОН АЛОҚАЛАРНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ  
("Mega Line Textile" МЧЖ мисолида)**

5A230201 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар

и.ф.н., доц. Юсупова Д.Т.

Тошкент – 2019

## АННОТАЦИЯ

Магистрлик диссертацияси ишида кооперацион алоқаларни ташкил этишнинг назарий-услубий асослари, енгил саноат тармоғида кооперацион алоқаларни ташкил этишнинг тармоққа хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Ўзбекистон енгил саноат корхоналарини модернизациялаш жараёни, «Mega Line Textile» МЧЖ бошқарув ташкилий структураси ва кооперацион алоқалари таҳлили қилинган. «Mega Line Textile» МЧЖ да кооперацион алоқаларни ташкил этишни такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш йўллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

## ANNOTATION

Theoretical and methodological foundations of cooperation relationship and its unique characteristics of establishing in light industry was studied/ Current modernization situation of light industry of Uzbekistan, “Mega Line Textile” Ltd management structure and cooperation relationship was analuzed. Practical recommendations developing cooperation relationship in “Mega Line Textile” Ltd and increasing the effectiveness was given.

Магистрлик диссертация иши “Менежмент” кафедрасида  
дастлабки ҳимоядан ўтган.

10 - сонли баённома «18» сентябрь 2019й.

Кафедра мудири

проф. Ўлджасаров Н. Ҳ.

(и.ш.ф.)

имзо сана

Илмий раҳбар:

доц. Ҳусенова Д. Ш.

(илмий раҳбар и.ш.ф.)

имзо сана

Такризчи:

доц. Ўлджасаров С. Ш.

(такризчи и.ш.ф.)

имзо сана

Магистрант:

Раёдаров А. Р.

(магистрант и.ш.ф.)

имзо сана

## МУНДАРИЖА

|                                                                                                                                        |    |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>КИРИШ</b> .....                                                                                                                     | 4  |
| <b>I БОБ. КООПЕРАЦИОН АЛОҚАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ</b> .....                                                    | 9  |
| 1.1. Енгил саноат корхоналарида технологик жараёнлар тизими.....                                                                       | 9  |
| 1.2. Кооперацион алоқаларнинг моҳияти ва корхоналар самарадорлигини оширишда тутган ўрни.....                                          | 21 |
| 1.3. Енгил саноат тармоғида кооперацион алоқаларни ташкил этишнинг тармоққа хос хусусиятлари.....                                      | 30 |
| I боб бўйича хулоса.....                                                                                                               | 37 |
| <b>II БОБ. ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ</b> .....                                                            | 40 |
| 2.1. Ўзбекистон енгил саноат корхоналарини модернизациялаш жараёни...40                                                                |    |
| 2.2. «Mega Line Textile» МЧЖ бошқарув ташкилий структурасининг таҳлили.....                                                            | 49 |
| 2.3. «Mega Line Textile» МЧЖ нинг кооперацион алоқалари.....                                                                           | 57 |
| II боб бўйича хулоса.....                                                                                                              | 61 |
| <b>III БОБ. «MEGA LINE TEXTILE» МЧЖ ДА КООПЕРАЦИОН АЛОҚАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ</b> ..... | 63 |
| 3.1. Енгил саноат корхоналарида кооперацион алоқаларни такомиллаштириш.....                                                            | 63 |
| 3.2. Енгил саноат корхоналарида кооперацион алоқалар самарадорлигини ошириш имкониятлари.....                                          | 73 |
| III боб бўйича хулоса.....                                                                                                             | 83 |
| <b>ХУЛОСА</b> .....                                                                                                                    | 85 |
| <b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....                                                                                                        | 89 |
| <b>ИЛОВАЛАР</b> .....                                                                                                                  | 95 |

## КИРИШ

**Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги:** Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида енгил саноат корхоналарининг хўжалик фаолиятлари ўзгариб бормокда. Бундай шароитда корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириб, бозорда сотишлари учун корхонада мукамал ташкил этилган менежмент тизими бўлиши даркордир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон Фармон билан белгиланган вазифалардан бири хом ашёни қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича ягона комплекс сифатида, шу жумладан саноат кооперациясини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда тадқиқотлар ўтказиш асосида тармоқни барқарор ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқишдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, менежментни ташкил этиш, бозор механизмларини ташкил этишнинг ягона андозаси йўқ, ҳар бир корхона ташқи омиллар ҳамда ички хўжалик фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ўзига мос менежмент дастурини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Дарҳақиқат, у ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида катта истикболга эга, шу сабабли, менежментга жиддий муносабат зарур, унинг назарий асосларини чет мамлакатлардаги бу борада тўпланган амалий тажрибаларни теранроқ ўрганишга тўғри келади.

Корхона ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бу бошқарувда кооперацион алоқаларни тўғри йўлга қўйишдир. Шу сабабли, у корхона самарали бошқарувининг асосларидан бири ҳисобланади. Менежментнинг асосий тамойиллари бу бозорга мос маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бозорга мослашиш ва бозорга таъсир ўтказишдан иборатдир. Бу дегани, истеъмолчилар эҳтиёжларини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг дид ва истакларини билиш кўзда тутилади.